

Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2023 йил 18 сентябрь

Кўнғирот тумани

Кўнғирот туманлараро иқтисодий суди судьяси Д.И.Давлетов раислигида, судья ёрдамчиси М.Хошмуратова суд мажлиси котиблигида, даъвогар ХХХ жавобгар ХХХ ҳисобидан 188 934 655 сўм асосий қарз ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича иқтисодий ишни даъвогар вакиллари ХХХ (ордер асосида) ва ХХХ (ишончнома асосида), учинчи шахс ХХХ (ишончнома асосида) иштирокида, суд биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

ХХХ (матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ХХХ (матнда жавобгар деб юритилади) ҳисобидан 188 934 655 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Суднинг 2023 йил 06 сентябрдаги ажрими билан ХХХ низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган.

Суд мажлисида даъвогар вакиллари даъво талабларини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, даъво аризасида келтирган важларини такрорлаб, жавобгар томонидан қарздорлик бугунги кунга қадар тўланмаганлигини билдириб, суддан даъво талабларини тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган ХХХ вакили шартнома ғазначилиқдан рўйхатдан ўтмаганлигини билдириб, низони қонуний ҳал этишни сўради.

Бугунги суд мажлисининг ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида жавобгар ва ХХХ қонунда белгиланган тартибда хабардор қилинган бўлсада, унинг вакиллари иштирок этмади. Бундай ҳолда суд ишни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (матнда ИПК деб юритилади) 128, 129, 170-моддаларига асосан жавобгар ва ХХХ вакилларининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, тараф вакилларининг кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб қуйидагиларга кўра, даъвогарнинг даъво ариза талабларини тўлиқ қаноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгарга юклашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан кейин матнда – ФК деб юритилади)нинг 8-моддасига кўра фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қонунчиликда назарда тутилган асослардан, шунингдек фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг, гарчи қонунчиликда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонунчилигининг умумий негизлари ва мазмунига кўра фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларни келтириб чиқарадиган ҳаракатларидан вужудга келади.

ФКнинг 234-моддасига кўра мажбурият — фуқаролик ҳуқуқий

муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мазкур ҳолда тарафлар ўртасидаги мажбуриятлар пудрат шартномасига (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) асосан юзага келган.

ФКнинг 666-моддаси биринчи қисмига кўра қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, ХХХ (матнда Пудратчи деб юритилади) ва ХХХ (матнда Буюртмачи деб юритилади) ўртасида 2022 йил 15 декабрда 1-сонли пудрат шартномаси тузилган бўлиб, мазкур шартномага асосан даъвогар жавобгарнинг топшириғига кўра Мўйноқ тумани, Мўйноқ тумани маданият бўлими биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш, жавобгар эса бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Мазкур шартноманинг 2.1-бандида шартноманинг умумий қиймати 188 934 655 сўмни ташкил этиши қайд этилган.

Тарафлар ўртасида имзоланган бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги ишлар бажарилганлиги ҳақидаги далолатномасига асосан даъвогар томонидан 188 934 655 сўм қийматдаги ишлар бажарилиб, жавобгарга топширилган.

Жавобгар томонидан даъвогарнинг бажарган ишлари учун тўловлар амалга оширилмаганлиги натижасида жавобгарнинг даъвогар олдида 188 934 655 сўм асосий қарзи вужудга келган.

Мазкур қарздорликни тўлаб беришни сўраб даъвогар томонидан жавобгарга юборилган 24.04.2023 йилдаги 1-сонли ва 24.07.2023 йилдаги 2-сонли талабномалар эътиборсиз қолдирилган.

ФКнинг 673-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, буюртмачи пудратчининг бажарган иши учун сметада назарда тутилган миқдорда, қонун ёки қурилиш пудрати шартномасида белгиланган муддатда ва тартибда ҳақ тўлайди.

ФКнинг 236-моддасига мувофиқ мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Мазкур ҳолатда жавобгар бюджет ташкилоти ҳисобланади. Бироқ, тарафлар ўртасидаги шартнома ғазначиликдан рўйхатдан ўтмаган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси биринчи қисмида юридик мажбуриятлар иқтисодий тасниф кодлари бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан қабул қилинади ҳамда ғазначилик бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилиши, учинчи қисмида эса бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга кириши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Иқтисодий судлар томонидан қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2016 йил 23 декабрдаги 306-сонли Қарорининг 2.3-бандида судларнинг эътибори, қурилиш пудрати шартномасида муҳим шартларнинг мавжуд бўлмаганлиги ва шунга кўра шартнома тузилмаган деб ҳисобланиши, агар бундай ишларнинг бажарилганлиги ҳолати тақдим этилган далиллар билан исботланса, бажарилган ишлар қийматини ундириш тўғрисидаги талабни рад этишга асос бўлмаслигига қаратилиши, бироқ, бундай қурилиш пудрати шартномаси шартлари ва (ёки) қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик чорасини (неустойка, фоизлар ундириш, зарарни қоплаш) қўллаш тўғрисидаги талабни қаноатлантириш рад этилиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Пленум қарорининг 3-бандида эса, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 122-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга кириши, шунга кўра, агар ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиққан низони ҳал этишда, шартнома рўйхатдан ўтказилмаганлиги аниқланса, судлар мазкур қарорнинг 2.3-бандида белгиланган қоидаларни қўллашлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Тарафлар вакилларининг суд мажлисида берган тушунтиришлари ҳамда ишдаги мавжуд ҳужжатлардан аниқланишича, жавобгар томонидан даъвогар олдидаги қарздорлик бўйича тўловлар амалга оширилмаганлиги ўз тасдиғини топди. Шу сабабли суд даъво талабининг 188 934 655 сўм асосий қарзни ундиришни тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Суд юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, даъвогарнинг даъво

талабини тўлиқ қаноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 234, 236, 333, 666-моддаларини ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-180, 186, 182-моддаларини қўллаб,

қарор қилади:

Даъво тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар ХХХ ҳисобидан даъвогар ХХХ фойдасига 188 934 655 сўм асосий қарз, 1 889 347 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиш (прокурор эса ишда иштирок этувчи шахсларнинг мурожаати асосида протест келтириши) мумкин.

Раислик қилувчи, судья

Д.И.Давлетов